



FORMATION OF NICHOLAS II'S "GREAT ASIA PROGRAM"

Z. S. Shomansurova

Master's student

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Nicholas II, Greater Asia Program, S. Yu. Witte Alexander III.

Received: 05.03.23

Accepted: 07.03.23

Published: 09.03.23

Abstract: The article is about the Greater Asian program of Emperor Nicholas II, and the reasons why the political situation between the Higuemond countries at the end of the 19th century and the end of the 20th century changed Russia's foreign policy position towards the Far East.

НИКОЛАЙ II НИНГ “КАТТА ОСИЁ ДАСТУРИ”НИНГ ШАКЛЛАНИШИ

З. С. Шомансурова

Магистратура талабаси

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Николай II, Катта Осие дастури, С. Ю. Витте Александр III.

Аннотация: Мақолада император Николай II нинг Катта Осие дастури ҳақида бўлиб, айнан, XIX- аср сўнги ва XX-аср охирларидаги гигемонд мамлакатлар ўртасидаги сиёсий вазиятлар Россиянинг ташқи сиёсатидаги позициясини Узоқ шарқ томон ўзгартиришининг сабаблари ҳақида фикр юритилган.

ФОРМИРОВАНИЕ «БОЛЬШОЙ АЗИАТСКОЙ ПРОГРАММЫ» НИКОЛАЯ II

З. С. Шомансурова

студент магистратуры

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Николай II, Программа Большой Азии, С. Ю. Витте Александр III.

Аннотация: В статье речь идет о Великоазиатской программе императора Николая II, политической ситуации между

странами Игемонда в конце XIX - конце XX века, причинах изменения внешнеполитической позиции России в отношении Дальнего Востока.

КИРИШ

Босфорда рус флотининг муваффақиятсизликка учраши Николай II нинг ташқи сиёсатда йўналишни ўзгартириш учун зарурат туғдирди. Ҳарбий қиролланишни оғир оқибатларга олиб келиши мукин эди. Бу вазият Николай II ни ниҳоят “Катта Осиё дастури”ни амалга ошириши учун замин яратиб берди. Ташқи сиёсат позициясини Узоқ Шарқ томонга йўналтиришга кўндирди. Дастурга кўра Россия Узоқ Шарқ худудидаги ерларни оккупация қилмаган ҳолда музсиз Тинч океани чиқиши керак эди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Шу билан бирга XIX-аср сўнгида йирик кучларнинг ўзаро рақоби танг аҳволда эди. Яъни, “Жаҳон бозорларида гегемонлик учун курашаётган кучли Ғарбий Европа давлатлари ҳар қандай рақобатчини шафқатсизларча тор-мор қилдилар”. Ҳўш, нимага Катта Осиё дастури Россия империяси учун муҳим масала ҳимобланган? Уни қуйидаги сабаблари бор эди:

- Биринчидан, ҳар бир йирик давлатлар сингари Россиянинг иқтисодиёти учун ҳам яна бир муҳим омилдан бири бу йирик денгиз йўлига эгалик қилиш эди. “Савдо ва саноатнинг ривожланиши зудлик билан очик денгизларга чиқишни талаб қилди ва барча рус дарёлари Шимолий Муз океанига ёки Каспийнинг боши берк қирҳоқларига оқиб тушди. 18-асргача Мамлакатда музлатмайдиган денгиз порти йўқ эди, бу уни Эуропага хос бўлган океан иқтисодиётдан бутунлай чиқариб ташлади”.

- Иккинчидан, музсиз океанга чиқиш талаби, XIX-аср сўнгигача бу қадар долзарб бўлмаган. “Тинч океанида музсиз бандаргоҳга бўлган эҳтиёж, Россиянинг Ўрта эр денгизига кириши ҳақидаги саволга салбий муносабатда бўлгани каби, ҳали ҳам аник намоён бўлмади”. Сабаби, Ғарбга нисбатан сиёсатда, Россия, мувазанатни сақлаган ҳолда ҳаракатланган бўлса, 1860 йилга қадар эса, Шарқий худудларида Россиянинг таъсирини чекловчи рақиб бўлмаганлигида эди.

- Учинчидан, Бу вақтда биринчиликни даъво қилган давлатлар учун энг муҳим масала иқтисодиётнинг йетакчилиги бўлиб, йирик кучлар ичида Россиянинг маълум даражада ғарб мамлакатларига нисбатан иқтисодий жихатдан орқада қолиши эди. “Буюк давлатнинг барча ҳарбий ва сиёсий атрибутлари мавжудлигига қарамай, Россия ўзининг саноат салоҳияти, молиявий кучи жихатидан улардан сезиларли даражада паст эди ва капитализмнинг ўртача ривожланиш даражасига эга бўлган мамлакатлар билан бир қаторда эди, шунинг учун очик

рақобат. Ғарб капитали билан анъанавий жаҳон бозорларида бунинг учун ютказётгани аниқ”.

• Тўртинчидан, Россия ҳарбий қудрати етук даражада бўлсада мамлака иқтисодёти дунёда шакилланиб келаётган урушга тайёр эмаслигида эди. “Буюк Осиё дастури” ҳақида фалсафа фанлари номзоди И.Е.Синитсин шундай ёзган эди: “Буюк Осиё дастури” Сибир ва Узоқ Шарқнинг ривожланишини, ўз империясининг Осиёдаги буюк ва қадимий қўшнилари билан иқтисодий ҳамкорликни таъминлашга қаратилган эди. Тарихий фактлар шуни кўрсатадики, Николай III ўз империясининг ташқи сиёсий вазифаларига ўз нуқтаи назарига эга эди. Подшоҳ отаси Александр III ва бобоси Александр II даврида эришган Россиянинг мақсадлари Болқонда ўз устунлигини таъминлаш, бу борада Қора денгиздан Ўрта эр денгизигача бўлган бўғозларни эгаллаб олиш ва Жанубий Европада Австрия ва Туркияга, Яқин Шарқда эса Англия ва Францияга фақат Европадаги қонли урушлар орқали эришиш мумкин эди. Қолаверса, Россиянинг Босфор ва Дарданел бўғозларига эга бўлиши инглиз мурватлари билан қулфланган залга фақат “дараза”ни очди. Фақат Сибирни, Узоқ Шарқни ривожлантириш ва Осиёдаги фаол сиёсат Россиянинг буюклигини мустаҳкамлаши мумкин эди”.

Умуман олганда XIX- аср сўнгида ва XX-аср бошларида империянинг ошиб бораётган аҳолисини боқиш учун Сибирни ўзлаштириш ва ривожлантириш мамлакат учун ўта муҳим масала ҳисобланган. Шунинг учун Сибирни ривожлантириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилиши керак эди. Яъни Шарқий ҳудудлар билан боғловчи темир йўллар ва портлар қурилишининг жадаллаштириш ва телеграфлар қурилишини тезлаштириш шунингдек Сибирда шаҳарлар барпо этиш ва у ерда чорвачилик ва деҳқончиликни оммалаштириш билан бирга табиий бойликларни қайта ишлаш зарур вазифа ҳисобланган.

Европа мамлакатлари мустамлака ерларининг кенгайиши эвазига, ўзининг маҳсулоти учун йирик бозорга эга бўлиш билан биргаликда, маҳсулотни ишлаб чиқариш учун катта ҳом ашёга ҳам эга эдилар. Россия империяси ҳам йирик мустамлака ҳудудларига эга бўлишига қарамасдан, саноат маҳсулотлар европа мамлакатларнинг маҳсулотига нисбатан сифатининг пастлиги, уни ғарб бозорида мағлуб бўлишидан далолат берарди. Шу боисдан, Россия ўз позициясини Шарқ томонга йўналтиришга ва маҳсулоти учун истемолчи бозорга эга бўлиши, унинг учун энг муҳим масала ҳисобланган.

Европа давлатларнинг позицияларидан фарқли равишта Россия бу ўлка ҳудудларини босиб олиб ёки бўлмаса парчалаган ҳолда киришдан йироқ эди. Айни пайтда Европа давлатлари уларни босиб олишга ва парчалошга интилди. Айниқса Улкан Хитой уларга жозибали кўринди. “Император Николай II Россияси империалистик мақсадларни кўзламади. Аксинча, у Америка Қўшма Штатларига нисбатан империалистик

интилишларнинг асосий рақиби эди. Эфиопия, Сиам, Тибет, Марокаш ва Жанубий Африканинг штатларини мустамлакачилик қуллиги эгаларидан олиш учун ҳамма нарсани қирол қилди. Қирол Европа давлатлари томонидан Хитой ва Туркиянинг бўлинишига, Япониянинг Япония томонидан босиб олинисига ва Япония томонидан урушга қарши эди.”.

Аммо императорнинг Катта Осиё дастурида геосиёсий манфаатлар ташқари маънавий истақлар ҳам бўли унда Николай II Узоқ Шарқ халқлари ичида насроний биродарларини кўпайтириш ва келажакда Россия империяси учун диний биродарлар орқали қувватланишдан иборат эди.

Аввалига Узоқ Шарқ худудларида рус мактабларини ташкил этилиши ва православ черковларининг қурилиши бу маслани ечишда катта омил бўлиб хизмат қилди. Хитой ва Корея худудларида миссионерлик ҳаракатлари кенгайиши оқибатида насронийликни қабул қилганлар сони албатта кўпайиб борди.

Шундай бўдсада Узоқ Шарқ сиёсати айнан Николай II нинг тахтга келиши билан буткул боғлиқ ҳодиса эмаслиги Россия империясининг у кунгача олиб борган ташқи сиёсати орқали маълумдир. С. Ю. Витте, император Николай II даврида молия вазири лавозимида фаолият юритган бўлиб, ўз эсталикларида “Катта Осиё дастури”ни қўллаб-қўвватламаганлиги ҳақида кўпгина фикр қолдиргандир. Айнан, С. Ю. Виттенинг ташаббуси билан Трассибир темир йўлининг бошланғич поғонаси император Александр III даврида бошланган эди. Демак, С. Ю. Витте, Катта Осиё Дастурига нисбатан қарашлари ва тактикаси Николай II дан тубдан фарқ қилганлигини кўриш мумкин. С. Ю. Витте, Николай II каби Узоқ Шарқда миссионерлик ҳаракатини фаоллаштириш орқали Россия учун шарқий худудларда диний биродарларни кўпайтиришни эмас балким, ўз навбатида, Катта Осиё дастурига буткил қарши бўлмасдан, аввал у Узоқ Шарқни иқтисодиётини секин аста эгаллаган ҳолда таъсир этишни маъқул кўрган.

ХУЛОСА

Шу мақсадда, Хитой худудида провославлик мактаблари ташкил этилган эди. Миссионерлик ҳаракатини жаддалашуви оқибатида, Узоқ Шарқ худудида кўплаб провославликни қабул қилганларнинг сонини ошиб боришига туртки бўлди. Николай II нинг Катта Осиё дастури асосида вужудга келган рус япон урушидан, Россия катта мағлубият билан чиқган эди. Тўғри, баъзи хориж тарихчилари жумладан, Д. Маккензи, Д. Схиммельпенинк ва СССР даври тарихчилари ушбу сиёсатни кераксиз деб баҳолашгандир. Аммо юқоридаги маълумотлар асосида ўша вақтда Россия империяси иқтисодий раўнақи учун Катта Осиё дастурига эҳтиёж борлигини кўриш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Айрапетов О. Внешняя политика Российской империи (1801-1914). Москва. Европа. 2006.
2. Мультатули П. Внешняя политика Императора Николая II (1894-1917). Москва. ФИВ. 2012.
3. <https://cyberleninka.ru/article/n/aziatskaya-programma-rossiyskogo-pravitelstva-v-proshlom-i-nastoyaschem/viewer>
4. Дятлова А. К. Внешняя политика России на Дальнем Востоке на рубеже XIX-XXвв. В современной англо-американской историографии. Пенза. 2015.